

“Агробанк” ОАТБ акциядорларининг
2009 йил 25 апрелдаги умумий
йиғилишида 21-сонли баённома билан
тасдиқланган.

Банк кенгаши раиси ўринбосари

_____ Ё.Э.Турсунов

**"Агробанк" очик акциядорлик тижорат банкининг
Тафтиш комиссияси тўғрисида**

НИЗОМ

ТОШКЕНТ - 2009

1. Умумий қисм

1. Мазкур низом Тафтиш комиссиясининг мақоми, таркиби, функциялари, ваколатлари, ишлаш тартиби ҳамда Агробанкнинг бошқарув органлари билан ҳамкорлик муносабатларини белгилаб беради.

2. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-1084-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 89-сонли қарорлари ҳамда “Агробанк” очик акциядорлик тижорат банки Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқий мақоми

3. Тафтиш комиссияси "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банкининг органи ҳисобланиб, унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа ҳужжатлар, банкнинг ички назорат талабларига, кредит, ҳисоб-китоб, валюта, касса ҳамда бошқа операцияларни амалга оширишда касса ва мулк ҳолатига, мол-мулкнинг сақланишига риоя қилинаётганлигини текширади.

4. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, давлат бошқаруви органларининг қонун ости ҳужжатларига, Агробанк Уставига, мазкур низом талабларига ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинадиган ҳамда Тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари фаолиятига тегишли бўлган акциядорлик жамиятининг бошқа ҳужжатларига амал қилади.

3. Тафтиш комиссиясининг таркиби

5. Тафтиш комиссияси акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади. Тафтиш комиссияси аъзолигига ҳар бир номзод бўйича овоз бериш алоҳида ўтказилади. Аниқ шахсни Тафтиш комиссияси таркибига киритиш тўғрисидаги қарор умумий йиғилиш қатнашчиларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

6. Тафтиш комиссияси таркибига камида уч киши киради. Тафтиш комиссияси аъзоларининг сони тоқ бўлиши керак.

Тафтиш комиссияси беш йил муддатга сайланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ комиссия муддати узайтирилиши мумкин.

7. Банк кенгаши ва бошқарувининг аъзолари Тафтиш комиссияси таркибига кириш ҳуқуқига эга эмас.

4. Тафтиш комиссиясининг функциялари

8. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йил ёки бошқа давр учун фаолият якунлари бўйича Тафтиш комиссияси тасдиқлаган режа, акциядорлар умумий йиғилиши, банк кенгашининг қарори ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида 10 фоизига эгаллик қиладиган акциядор (акциядорлар)нинг талабига кўра амалга оширилади.

Тафтиш комиссиясининг талабига кўра банк бошқарув органларида мансабдор шахслар унга молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилишга ҳақлидир.

9. Ўз функцияларини бажариш пайтида Тафтиш комиссияси қуйидаги турдаги ишларни амалга оширади:

а) банк молиявий ҳужжатларини, мол-мулкни тафтишдан ўтказиш бўйича тафтиш комиссиясининг хулосасини текшириш, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

б) банк номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

в) юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг мавжуд меъёрий қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

г) банкнинг молиявий-хўжалик, банк фаолиятида белгиланган меъёрий кўрсаткичлар, қоидаларга риоя қилинишини текшириш;

д) банкнинг молиявий ҳолатини, унинг тўловга лаёқатлилигини, активларининг ликвидлилигини, ўз ва жалб қилинган маблағлари нисбатини таҳлил қилиш, захиралар яратиш, банк бошқаруви органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

е) давлат солиқ ва статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун банк баланси, ҳисобот ҳужжатларининг тўғри тузилганлигини текшириш.

5. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқлари ва ваколатлари

10. Тафтиш комиссияси ўз функцияларини тегишлича бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) банк бошқаруви органларидан, унинг бўлинмалари ва мансабдор шахсларидан Тафтиш комиссияси талаб қилган, унинг иши учун зарур бўлган, Тафтиш комиссиясининг функциялари ва ваколатларига мувофиқ келадиган барча ҳужжатларни олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар Тафтиш комиссиясига унинг ёзма сўрови асосида тақдим этилади;

б) банк молиявий-хўжалик фаолиятида қонунбузарликлар аниқланган ёки банк манфаатларига зид ҳаракатлар қилинган ҳолатларда банк бошқаруви органларининг ваколатида бўлган масалаларни ҳал қилишни талаб этадиган ҳолатларда ваколатли шахслардан бошқарув, банк кенгаши мажлисларини, акциядорлар умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

в) банк молиявий-хўжалик фаолиятида қонунбузарликлар аниқланган ёки банк манфаатларига зид ҳаракатлар қилинган ҳолатларда банк акциядорлари умумий йиғилишини чақириш;

г) банк ходимларидан, шу жумладан исталган мансабдор шахслардан Тафтиш комиссияси ваколатида бўлган масалалар бўйича шахсан тушунтириш беришни талаб қилиш;

д) банк бошқаруви органлари олдида, банк томонидан қабул қилинаётган низомлар, қоидалар ва йўриқномаларни бузганлари тақдирда, банк ходимлари, шу жумладан, мансабдор шахсларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўйиш.

6. Тафтиш комиссиясининг мажбуриятлари

11. Текширишларни ўтказиш пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари текширув мавзусига тегишли бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни синчиклаб текширишга мажбурдирлар. Нотўғри хулосалар берганлиги учун Тафтиш комиссияси аъзолари жавобгар бўладилар.

12. Агарда берилган ваколатлар амал қилиш муддати мобайнида Тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз функцияларини бажаришни тўхтатса, ушбу ҳақида у Тафтиш комиссиясидаги ишини тўхтатишидан бир ой олдин кузатув кенгашини хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши ўзининг энг яқин вақтда ўтказиладиган мажлисида Тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштириш юзасидан масалани кўриб чиқади.

13. Тафтиш комиссияси қуйидагиларга мажбур:

а) амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижалари, банк бошқаруви органлари мажлисларидаги ёзма ҳисоботлар ва маърузаларни ахборотлар шаклида акциядорлар умумий йиғилиши, банк кенгаши, бошқарув эътиборига ўз вақтида етказиш;

б) тижорат ва банк сирини ўз функцияларини бажаришлари пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари фойдалана оладиган, сир сақланадиган маълумотларни эълон қилмаслик;

14. Тафтиш комиссияси банк кенгашига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши учун молия ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини юритиш қоидалари ва тартибларига мувофиқ йиллик ҳисоботлар ҳамда баланслар бўйича хулосани ўрнатилган тартибда тақдим этади. Ушбу хулоса мавжуд бўлмаса, умумий йиғилиш балансни тасдиқлашга ҳақли эмас.

15. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича Тафтиш комиссияси хулоса тузади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) жамиятнинг ҳисоботлари ва бошқа молия ҳужжатларининг тўғрилигига баҳо бериш;

б) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тақдим этиш тартибини, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунни бузиш далиллари тўғрисидаги ахборот. Тафтиш комиссияси режадан ташқари тафтишларни банк оддий акцияларининг камида 10 фоизига эга бўлган акциядорларнинг ёки банк кенгаши аъзолари кўпчилигининг ёзма сўровига биноан ўтказди.

7. Тафтиш комиссиясининг мажлислари

16. Тафтиш комиссияси ўз мажлисларида барча масалаларни ҳал этади. Тафтиш комиссияси мажлислари тасдиқланган режа бўйича, шунингдек текширув ёки тафтиш бошланиши олдидан ва уларнинг натижалари бўйича ўтказилади. Тафтиш комиссиясининг шошилиш қарори талаб этиладиган қонунбузарликлар аниқланган тақдирда, комиссияси аъзоси комиссиянинг мажлиси зудлик билан чақирилишини талаб қилиши мумкин.

17. Ушбу мажлисда комиссия аъзолари рўйхатидаги аъзоларнинг камида 50 фоизи иштирок этганда, Тафтиш комиссиясининг мажлиси қонуний деб ҳисобланади.

18. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари мажлисда қатнашаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлганда Тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

19. Тафтиш комиссияси аъзолари комиссия қарорига рози бўлмаганларида мажлис баённомасида алоҳида фикрларини қайд эттиришга ва уларни

бошқарув, банк кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши эътиборига етказишга ҳақлидирлар.

20. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан раис ва котибни сайлайди.

Тафтиш комиссияси раиси:

мажлисларни чақиради ва ўтказди;

Тафтиш комиссиясининг жорий ишини ташкил қилади;

бошқарув, банк кенгаши мажлисларида, акциядорлар умумий йиғилишида унинг номидан вакил бўлади;

комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларга имзо чекади.

Тафтиш комиссияси котиби:

унинг мажлислари баённомалари юритилишини ташкил этади;

Тафтиш комиссияси далолатномалари ва хулосаларини тегишли манзилларга етказди;

комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларга имзо чекади.